

Мақсаду ғоя, амал ва кураш майдонини тайин қилиш



16:07 / 14.11.2023 2124

Инсоният рисолаи Муҳаммадиядан аввал ўз мақсадини аниқ билмас эди. Қай тарафга юзланишни идрок эта олмасди. Борар жойи қаерлигини ҳам англамас эди. У ўз куч-қувватини, имкониятларини қандай тасарруф қилишни ҳам билмас эди.

У ўзи учун хаёлий ва сунъий мақсадларни танлаб, ўзини тор доирага киритиб олган эди. Ўша пайтдаги инсон учун энг олий мақом кўпроқ молу дунёли бўлиш, кўпроқ одамлар устидан ҳоким бўлишга ўхшаган нарсалар эди. Миллионлаб кишиларнинг бирдан-бир орзуси яхши таом, чиройли ранг ва ширали овоздан иборат эди. Улар бунда қўй, мол ва бошқа ҳайвонлардан фарқ қилмас эдилар. Минглаб одамлар эса подшоҳларнинг

саройларида бутун ақл-заковатларини амирлар, бойлар ва зодагонларнинг кўнглини овлашга сарфлар эдилар.

У зот инсонни ўзига яраша жойга қўйиб, унга куч-қувватини ва имкониятларини энг тўғри ва фойдали равишда сарфлашни ўргатдилар.

Муҳаммад алайҳиссалом келиб, инсоннинг ҳақиқий мақсадини ва асл ғоясини кўз олдига олиб келиб қўйдилар. У зоти бобаракот инсон қалбига унинг меҳнати, саъй-ҳаракати, қобилияти, орзу-нияти қай томонга йўналган бўлиши кераклигини кўрсатдилар. У ҳам бўлса, осмонлару ернинг Холиқини таниш, У Зотнинг сифатларини, қудратини, ҳикматини ва осмонлару ернинг малакути кенглигини, улуғлигини, абадийлигини билиш, иймон ва яқийнга эришиш, Аллоҳнинг розилигини қозониш, Ундан, Унинг қадаридан рози бўлиш, ўзининг ички қувватларини ва руҳий иқтидорини ўстириб бориш, қурбатнинг олий даражаларига етиш, инсоният хизматига, бошқаларни ўзидан устун қўйишга, фидокорликка уриниш – ана шулар ила муқарраб фаришталар ҳам эриша олмайдиган даражаларга эришишдир. Мана шу инсоннинг ҳақиқий саодатидир. Мана шу унинг камолининг ниҳоясидир. Мана шу унинг қалби ва руҳининг меърождир.

«Ислом тарихи» биринчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 14 мартдаги 03-07/1733-рақамли хулосаси асосида тайёрланди